



Turkic  
World



Мемлекет тарихы  
институты



Жас тарихшылардың  
республикалық қауымдастыры



# ҚАЗАҚСТАН ЖӘНЕ ТҮРКІ ӘЛЕМІ:

қоғамдық ғылымдар саласындағы  
өзекті мәселелер

## KAZAKHSTAN AND THE TURKIC WORLD:

actual problems in the field  
of social sciences





ҚР БФМ ҒЫЛЫМ КОМИТЕТІ МЕМЛЕКЕТ ТАРИХЫ ИНСТИТУТЫ  
ЖАС ТАРИХШЫЛАРДЫҢ РЕСПУБЛИКАЛЫҚ ҚАУЫМДАСТЫҒЫ

**«Қазақстан және Түркі әлемі:  
қоғамдық ғылымдар саласындағы өзекті мәселелер»  
халықаралық онлайн симпозиум материалдарының**

## **ЖИНАҒЫ**

## **COLLECTION**

**of materials of the international online symposium  
«Kazakhstan and the Turkic world: actual problems in  
the field of social sciences»**

**Нұр-Сұлтан, 2021**

<b>Kozimjon Olimov,</b>	
Markaziy Osiyo dinlari evolyutsiyasi.....	275
<b>Fatimat Polchaeva,</b>	
Роль Золотой Орды в развитии политических институтов государств Дагестана.....	278
<b>Mukhiddinjon Primov,</b>	
Ўрта Осиё республикалари картографиясини ривожлантиришда Тошкент картография фабрикасининг ўрни.....	281
<b>Bayram Quliyev,</b>	
The technical and natural science in period of Ilkhanates.....	286
<b>Oybek Rajabov,</b>	
Mahmud Torobiy qal'asi tarixi.....	291
<b>Shokhjahon Rashidov,</b>	
From the history of local administration of the Uzbek SSR (50s of the XX century).....	295
<b>Азизбек Сапарниязов,</b>	
Известная экспедиция: метод расширения империи и дорога к несметным богатствам.....	298
<b>Фаррух Темиров,</b>	
Садриддин айний илмий меросининг жаҳон илм-фани тараккиётидаги ўрни.....	303
<b>Феруза Ўтаева,</b>	
Мангит ҳукумдорларининг фаолияти ва шахсияти мустақиллик йилларидағи даврий матбуют талқинида.....	310
<b>Мадияр Утебаев,</b>	
Этикет супругов в системе внутрисемейного стереотипного отношения у каракалпаков.....	316
<b>Qudratjon Xakimjonov,</b>	
Katta Farg'onan kanalining qisqacha tarixi.....	323
<b>Тальят Ҳалимов,</b>	
Ashtarkoniylar va Boburiylarning siyosiy munosabatlari.....	325
<b>Шамсиева З.А.,</b>	
Манбаларда Бухоро воҳаси этник тарихи ва этногенези масалалари.....	328
<b>Вазира Шодыева,</b>	
Об истории формирования корейской diáспоры в Приаралье (к примеру Республика Узбекистан и Казахстан).....	334

Таким образом, сложная и противоречивая история подчинения каракалпаков, которое было начато в 30-х годах XVIII в., закончилось только в конце XIX столетия. Покорение Центральной Азии дало возможность царизму победить в конкуренции с Британской империей. Со временем, получив бесконтрольную власть над большой частью населения, царская Россия постепенно расширяла свою политику в регионе. Вместе с тем, создавались условия для хозяйственного взаимообмена и взаимодействия между местными и пришлым населением, закладывалась почва для оживления торговли.

### Литература и источники

1. Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века. Ташкент: Фан, 2005.
2. Черкасов П., Чернышевский Д. История императорской России. От Петра Великого до Николая II. Москва: Междунар. Отношения, 1994.
3. Юсупов О. Жәнибек батыр, Маман батыр, Мурад шайых, Азиз баба, Қоразбек бий-аталық, Ҳожамурат бий ҳәм Төремурат бий-суғылар ямаса «Майлыш шенгел» өтмишинен дереклер. Нөкис: Қарақалпақстан, 1993.
4. История Казахстана с древнейших времен до наших дней (Очерк). Алматы: Дауір, 1993.
5. Камалов С., Косбергенов Р., Косямбетов И., Кощанов А. Мәңгі дослық. Нөкис: Қарақалпақстан, 1973.
6. Государственный архив Оренбургской области, ф.1, оп.1, д.1, л.157.
7. Государственный архив Оренбургской области, ф.1, оп.1, д.1, л.94.
8. Архив внешней политики Российской империи, ф.122/1. 1730-1731 гг., д.1, л.121.
9. Государственный архив Оренбургской области, ф.1, оп.1, д.1, л.55.
10. Государственный архив Оренбургской области, ф.1, оп.1, д.1, л.72-75-76.
11. Государственный архив Оренбургской области, ф.1, оп.1, д.1, л.157-158.
12. Государственный архив Оренбургской области, ф.1, оп.1, д.1, л.151.
13. Государственный архив Оренбургской области, ф.1, оп.1, д.1, л.121.
14. Государственный архив Оренбургской области, ф.1, оп.1, д.1, л.121-122.
15. История народов Узбекистана. Т. 2. Ташкент: Изд. АН УзССР, 1947.
16. Бирзе А. К истории каракалпаков XVIII в. // Красный архив. Москва: Государственное социально-экономическое издательство, 1938. №6 (91).

### САДРИДДИН АЙНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЖАХОН ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

*Темиров Фаррух Умедович,*

*Бухоро давлат университети, т.ф.ф.д. (PhD)  
(Ўзбекистон Республикаси)*

*Уишибу мақолада, маърифатпарвар адаби, иирик сўз санъаткори ва жамоат арбоби Садриддин Айнийнинг илмий-ижодий мероси, жаҳон илм-фанида тутгаган ўрни ва қўшиган ҳиссаси ҳақида, олимнинг ижодий йўналишида публицистика, ҳажсвия, фельетон, памфлет, шеърият, адабиётшунослик, тарихшунослик, шарқшунослик, романчилик, таржимонлик каби жанрлар муҳим ўрин эгаллаганлиги*

айтиб ўтилган. Шунингдек, С.Айнийнинг халқаро мавзуларда ёзган ижтимоий-сиёсий публицистик мақолалари ҳам тадқиқ этилган бўлиб, унда Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Эрон, Туркия ҳамда араб халқлари ҳаёти, Америка ва Англия мустамлакачиларининг Шарқда олиб борган сиёсатишархлаб ўтилган. Унинг илмий, адабий ва тарихий мероси инсоният маънавий меросининг хазинасидан муносиб ўрин эгаллаганлиги илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Маърифатпарвар, жадид, масжид, мадраса, Шарқ, шоир, маърифат, матбуот, адабиётшунослик, тарихшунослик, шарқшунослик, романчилик, таржимонлик Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Эрон, Туркия.

*This article gives information about the scientific and creative heritage of the enlightened writer, great artist and public figure Sadriddin Ayni, his role and contribution to world science, journalism, comedy, feuilleton, pamphlet, poetry, historiography, literary criticism, historiography, his works in genres such as novels, translation have been mentioned. Aini's socio-political articles on international issues were also studied, commenting on the lives of India, China, Afghanistan, Iran, Turkey and the Arab peoples, and the policies of the American and British colonialists in the East. It has been scientifically analyzed that Sadriddin Aini's scientific, literary and historical heritage occupies a worthy place in the treasury of the spiritual heritage of mankind.*

*Enlightenment, Jadid, Mosque, Madrasa, East, Poet, Enlightenment, Press, Literary, Historygraphy, Oriental, Novel, translation, India, China, Afganistan, Iran, Turkey.*

Забардаст олим ва маърифатпарвар адаб Садриддин Сайдмуродхўжа ўғли Айний (1878-1954) ўзининг мингга яқин катта-кичик асарларини тожик ва ўзбек тилларида ёзи. Унинг ижодий йўналишида публицистика, ҳажвия, фельетон, памфлет, шеърият, адабиётшунослик, тарихшунослик, шарқшунослик, романчилик, таржимонлик каби жанрлар асосий ўринни эгаллади. Унинг илмий, адабий ва тарихий мероси инсоният маънавий меросининг хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган.

С.Айнийнинг “Амир Темур биноларидан Бибихоним харобаси ила мусоҳаба” (Айний С, 1919: 3) шеърида, соҳибқирон Амир Темур томонидан 1399-1404 йилларда қурилган Бибихоним жомеъ масжидининг улуғворлиги ва бетакрор мейманий обиданинг сўнгги даврларга келиб хароба ҳолига тушиб қолиши, уни оёқ - ости қўймоқчи бўлганларни баҳс-мунозарага чақиради ва келажак авлодларга асраб-авлайлаб етказиш ҳақида сўз юритади. Унинг “Навоий болалари учун” (Айний С, 1921: 11) шеърида эса Туркистон болаларига хитоб қилиб, уларни илм-маърифат чўққиларини забт этишга чақириди ва ёш авлодни ҳақли равишда буюк шоир Алишер Навоийнинг муносиб ворислари сифатида тилга олди. Унинг 1918-1925 йилларда ёзган айрим шеърлари “Мехнаткашлар товуши” ва “Зарафшон” (Айний С, 1923: 3) газетаси саҳифаларида ҳам нашр этилганди.

С.Айний Қозон, Уфа ва Оренбургдан келиб, Бухорода доимий яшаб қолган татар зиёлилари, маърифатпарварлари билан мустахкам алоқа ўрнатган. Унинг

мадрасадош дўсти бўлган татар Олимжон Идрисий маълум вақт мухаррирлик қилган “Шўро” (*Ҳасанов М, 1981: 168*) журналида ҳам адабнинг Бухородан ёзид юборган илмий-адабий мақолаларини чоп эттилган. С.Айний публицистика жанрида самарали ижод этиб, турли мавзуларга оид ўша давр матбуотида ўзининг бир қанча мақолаларини эълон қилганди.

С.Айнийнинг халқаро мавзуларда ёзилган сиёсий публицистикаси ҳам мавжуд. Бу мақолаларда Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Эрон, Туркия ҳамда араб халқлари ҳаёти шарҳланган. Унинг публицистик мақолаларида Америка ва Англия мустамлакачиларининг Шарқда олиб бораётган сиёсати танқид остига олинган. Бу мавзуга оид мақолалари асосан “Шуълаи инқилоб” журналида нашр этилган. Шунингдек, С.Айний дўстлик, биродарлик, адолатпарварлик ғоялари ҳам акс этирилган сиёсий-публицистик мақолалари давр ижтимоий-сиёсий воқеаларининг ўзига хос солномасидир.

Адиб 1917 йилга қадар бўлган даврда кичик-кичик тарихий ҳикоялар, очерклар ва мақолалар ёзди. Бу мақолалар кейинчалик, катта тарихий тадқиқотларнинг юзага келишига асос бўлди. Масалан, муаллиф 1930-1935 йиллар давомида “Бухоро амирлари ва хотин-қизлар”, “Амир Музаффар”, “Кенагасхоним”, “Латифа”, “Машхур Мирак”, “Амир Олимхон қочишида”, “Авлиёкулибек”, “Авлиёкулибек амирни қозига олиб борди” каби катта-кичик ҳикоялар яратди. Адабиётшунос олим М.Ҳасановнинг фикрича, С.Айнийнинг шахсий архивида 1922 йил ёзган “Кичик ҳикоялар” (*Айний С, 1914: 108*) қўлёзмаси ҳамон мавжуд.

Адиб ижодида жадидчилик-маърифатпарварлик ғоялари ва қарашлари асосий ўринни эгаллади. Муаллифнинг ушбу гоя ва фикрлари ҳам кўпгина мақолаларида ўз аксини топган. Олимнинг адабиёт, таълим-тарбия, илм-маърифат эгалари, шоирлар ва ёзувчилар ҳақида ёзган мақолалари мухим аҳамиятга касб этади. Маърифатпарвар олимнинг жадид мактаблари учун ёзган учта дарслиги “Тартил ул-Қуръон” (“Қироат китоби”) “Заруриёти диния” (“Диний китоб”) ва “Таҳсив ус-сибён” (“Болалар тарбияси”) (биринчи марта 1909 йилда, Оренбургда нашр этилган) номли ўқиш китоблари нашр қилинган.

Маълумки, С.Айний ижодида тарихий жараёнлар ва материаллар асосий ўринни эгаллади. 1921-1922 йилларда “Шуълаи инқилоб” (“Инқилоб шуъласи”) журналида “Таърихи амирони манғития ки дар Бухоро ҳукм рондаанд” (“Бухорода ҳукмронлик қилган манғитлар сулоласи тарихи”) номи билан нашр бўлган тарихий очерк мақолаларини қайта ишлади. Бу асар “Таърихи амирони манғитияи Бухоро” номи остида 1923 йилда Тошкентда, араб имлосида, тожик тилида, алоҳида китоб шаклида Бухоро Маориф халқ нозирлиги томонидан нашр қилинади (*Айний С, 1928: 48-50*).

Боку ва Самарқандда чиқадиган “Мулла Насриддин”, “Таёқ” ва “Машраб” каби ҳажвий журналларда, ҳажвий характердаги мақолаларида у Бухоро мадрасаларидаги ўқитиладиган эскича диний таҳсиллар, фанларнинг қуруқ ёдлатилиши ва самарасизлиги, илгор фикрлиларга қарши бўлган мутаассиб руҳонийлар, муллаларни ўткир танқид остига олади.

Тарихчи олимнинг “Маориф ва ўқитғучи” журналида эълон қилинган “Мир Араб иморатлари”, “Тарихий тасхех”, “Тарихий эъзоҳ”, “Самарқанд шахри”, “Эски осорлар Чил устун, Кўксарой, Чиннихона ва Кўктош”, “Қутби чаҳордаҳумнинг кўриниши”, “Сув оқар ёки Жилвон руд” ва “Турк қомусчиси” каби мақолаларимуҳим илмий аҳамият эга бўлиб, улар Туркистон тарихи, шунингдек, Ўзбекистон тарихининг ўрганилмаган саҳифалари ҳакида маълумотлар беради (*Айний С.*, 1923: 146).

С.Айний 1926-1933 йилларда Самарқанддаги Тожикистон Давлат нашриётига адабий ходим бўлиб ишлайди. Ўша йилларда маҳаллий кадрлар етишмас, адабий ходимлар озчиликни ташкил этар эди. Олим бу ерда кўплаб асарларни таржима қилиш ва нашрга тайёрлаш ишлари билан шуғулланди. Жумладан, у Фарб ёзувчиси Фердинанд Дюшеннинг “Ҳилол” (“Янги чиққан ой”) асарини тамоман қайта ишлаб, ўзгача бир бадиий асар тарзида “Қамар” номи билан нашр эттирди. Публицист ёзувчи М.Булленинг “Инқилобий курашларда хотин-қизлар” асарини таржима қилди. Виктор Гюгонинг “Сехрли сарой” асарини ўзбек тилида нашр эттирди.

С.Айний адабиётнинг деярли барча жанрларида самараали ижод этди. У йирик эпик романлар, киссалар, шеърлар, достонлар билан бир қаторда, ўзбек тилида “Мирза домланинг каромати” тўрт пардали комедияни яратди. М.Ҳасановнинг ёзишича, ёзувчининг шахсий архивида сақланиб келган ва 1977 йилда “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган бу драматик асарда риёкор мулло, эшон ва шайхлар, шунингдек, олибсотарлик билан ҳаёт кечирадиган савдогарлар кирди-корлари танқид қилинган (*Айний С.*, 1926).

С.Айний улкан лугатшунос олим сифатида ҳам машҳурдир. Адиб тожик ва ўзбек адабий тил нормалари тўғрисида, тилнинг бадиий адабиётдаги роли ҳакида кўплаб илмий мақолалар ёзди. С.Айний ҳар бир сўз ва иборани изоҳлашга, унинг маъносини тўғри тушунишга даъват этди. “Қуллар”, “Дохунда”, “Эсадаликлар” каби йирик тарихий-адабий асарларида ҳамда ўнлаб мақолаларида “Чилдуҳтарон”, “Ромитан”, “Суғд”, “Суғдиёна”, “Мароқанд”, “Самарқанд”, “Регистон”, “Жилвон руд” сингари кўплаб жой номлари (топонимлар) ҳақидаги турли афсоналарни келтиради.

Ёзувчининг ҳажвий йўналишдаги биринчи катта прозаик асари “Бухоро жаллодлари” повестиdir. Бу асар дастлаб 1920 йили ўзбек тилида ёзилган. Асар кейинчалик, “Бухоро жаллодларининг сұхбатлари” номида “Инқилоб” журналида босилди ва 1935 йил тожик тилида алоҳида китоб ҳолида нашр қилинади. Адибнинг иккинчи прозаик асари - “Одина ёки бир камбағал тожикнинг саргузашти” 1924-1926 йилларда ёзилган бўлиб, унинг баъзи парчалари ўша вақтдаёқ “Овози тожик” газетасида босилиб чиққан. С.Айнийнинг тожик тилида ёзган “Одина” номли биринчи қиссаси рус тилига таржима қилиниб, 1930 йилда Москвада нашр этилган. Асарнинг русча нашрига Файзулла Хўжаевнинг ўзи “Одина повести хусусида” деган мазмундор сўзбоши ёзди (*Ҳаммуаллифлар*, 1994: 52).

1921-1922 йилларда “Шуълаи инқилоб” журналида “Таърихи амирони манғития ки дар Бухоро хукм рондаанд” (“Бухорода хукмронлик қилган манғит амирлари тарихи”) номи билан нашр бўлган тарихий материалларини қайта ишлайди. Бу асар

“Таърихи амирони манғитияи Бухоро” номи остида араб имлосида, тожик тилида, алоҳида китоб шаклида 1923 йилда Тошкентда, Бухоро Ҳалқ Маориф Нозирлиги хисобидан нашр қилинади.

С.Айний илмий-ижодий фаолиятида йирик тарихий-адабий асари ҳисобланган “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” китоби алоҳида ўрин эгаллайди. Адид фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этувчи бу асарнинг яратилиши ҳақида муҳтасар фикр билдириш жоиз. 1920 йил 24 сентябрида янги ташкил топган БХСР Маориф Ҳалқ Нозирлигининг биринчи мажлисида инқилоб тарихини ёзиш учун маҳсус комиссия тузилади. 1920 йил 11 ноябрда маориф нозирлиги “Бухоро инқилоб тарихи”ни нашр этиш ва унинг муаллифларини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилган. Бу муаллифлар рўйхатида Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат ва Пўлат Солиевларнинг номлари киритилди.

С.Айний Бухоро инқилоби тарихига доир асарининг кўп қисмини 1918-1919 йилларда Самарқандда тожик тилида ёзди. Асар “Таърихи инқилоби фикрӣ дар Бухоро” (“Бухорода фикрий инқилоб тарихи”) деб номланди. Бироқ, Бухоро инқилобидан кейин ушбу тожикча асарнинг кўлёзмаси йўқолади. Асар “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” номи остида давлат арбоби Назир Тўракулов сўз бошиси билан Москвада, араб имлосида ўзбек тилида нашр этилди. Бу асар 2003 йили Техронда асл ёзувда, 2005 йилда Душанбеда кирилл алифбосида чоп этилди. 2007 йилда эса кўлёзманинг факсимиile нашри Душанбеда дунё юзини кўрди (*Назир Тўракул ўғли, 1926: 3*).

С.Айний амирлик тузуми ағдариб ташлангач, 1920 йилнинг 16 ноябрида Самарқанддан туғилган юрти Бухорога келади. Адид бу сафари тўғрисида ҳикоя қилас экан, Маориф нозири Қори Йўлдош Пўлатов уни илиқ қабул қилганлигини алоҳида таъкидлайди. Қори Йўлдош Пўлатов унинг 1918 йилда, инқилоб тарихига оид тожик тилида яратган илк йирик тарихий асари - “Тарихи инқилоби фикри дар Бухоро”ни (“Бухорода фикрий инқилоб тарихи”) ўзбек тилига ўгиришни тавсия қилди. Муаллиф, ўша тожик тилидаги материалларни ўзбек тилида ўгириб, қайта ишлаб, “Мехнаткашлар товуши” газетасида инқилоб тарихига оид чоп бўлган туркум мақолаларни ҳам унга қўшиб янги маълумотлар билан тўлдирди ва 600 саҳифадан иборат бўлган “Бухоро инқилобининг тарихи” деб, унга қайта ном беради (*Айний С, 1926: 2-3*).

С.Айний ушбу асарини 1921 йилнинг май ойида Бухоро давлат нашриётига тақдим этди. Бироқ, Бухоро Республикаси давлат нашриёти “Бухоро инқилобининг тарихи” асари учун унга қалам ҳақи берган бўлса-да, бу асар босиб чиқарилмайди. С.Айний нашр этилмаган “Бухоро инқилобининг тарихи” асарининг кўлёзмасини қайтариб берилишини талаб қилганида, нашриётдан “йўқолган” деган жавоб олади. Бунинг сабаб ва тафсилотлари маълум эмас. Унинг айтишича, Ўрта Осиёнинг миллий-худудий чегараланишидан олдинроқ (1923-1924 йиллар орасида бўлса керак - Ф.Т) ўша вақтда СССР ҳалқлари марказий нашриёти мудири вазифасида ишлаган Назир Тўракулов орқали “йўқолган” “Бухоро инқилобининг тарихи” китобининг кўлёзмасини сўратиб олган ва 1926 йил Москвада, араб имлосида, ўзбек тилида,

айрим кисқартиришлар натижасида, (260 саҳифа, 3000 минг нусхада - Ф.Т) Назир Тўракуловнинг сўзбошиси билан “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” номи остида нашр этилади.

Назир Тўракулов ёзган китоб сўзбошини қўйидаги фикрлар билан бошланган: “Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” деган бу асарини буюк шодликлар билан мамлакатга тақдим этамиз. Ўрта Осиёнинг ҳар бир ёши, ҳар бир ҳақиқий инқилобчиси ўқиб, Бухоро ўлкасида яқиндагина бўлиб ўтган разолатларнинг ҳикоясини бир-бир кўздан кечириб, маънавий, ахлоқий фойдалар топар деган умиддамиз бор”.

Шарқшунос олим Шарифа Тошеванинг ёзишича, маълум мафкуравий сабабларга кўра асар катта қисқартиришлар билан босилган. Қисқартирилган жойлар асарнинг барча қисмларига тегишли бўлиб, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, жами 140 вараққа яқин. Шундай килиб, ҳаммаси 571 варақни ташкил этувчи асарнинг дерли 25 фоизи қисқартирилган.

Ўрта Осиё ўтмиши тарихи, маданияти, ўзбек ва тожик ҳамда туркий халқлар адабиёти тарихи, бу қон-кардош халқларнинг классик шоирлари, адиблари ва маърифатпарвар олимлари тўғрисида тадқиқот иши олиб борган ва олиб бораётган ҳар бир тадқиқотчи Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти точик” (“Тожик адабиётидан намуналар”) асарига мурожаат этиши табиий бир ҳолдир. Унинг йирик илмий-адабий тадқиқоти бўлган “Намунаи адабиёти точик” асари уч қисмдан иборат бўлиб, 1926 йил Москвада, араб имлосида тожик тилида нашр этилди. Асарнинг иккинчи маротаба 2007 йил форс тилида Эронда ва учинчи марта эса, 2010 йил Душанбеда кирилл ёзувида тожик тилида С.Айний “Куллиёт” (Асарлар тўплами) ининг 16-жилди сифатида чоп этилди.

Бу антологияда X асрдан токим 1925 йилгача Ўрта Осиёда яшаб ижод этган 220дан ортиқ шоирлар, ёзувчилар, олимлар, тазкиранавислар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар келтирилган. Жами 220га яқин шоир ҳақида маълумот берувчи бу тазкирада юздан ортиқ бухоролик ижодкорларнинг ўрин олганлиги алоҳида эътиборга лойикдир. Асарда муаллиф 50 дан ортиқ ўзбек олимлари, шоирлари, тарихчилари ва тазкиранависларини киритган. С.Айний шахси ва фаолиятига хос муҳим жиҳатлардан бири - унинг икки тилда - ўзбек ва тожик тилларида ижод этганидадир.

С.Айний ижодининг асосий йўналишларидан бири роман жанридаги “Дохунда” китобидир. Асар 1927-1929 йиллар орасида ёзилган бўлиб, дастлаб 1930 или Козонда босилиб чиқди. “Дохунда” гоявий ва бадиий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган асардир. Асар ўзбек, тожик прозасида роман жанрининг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Унинг “Дохунда” асарини адабиётшунос олим, профессор Миён Бузрук Солиҳов ўзбек тилига таржима қилиб, Тошкентда нашр эттирди.

С.Айний 1939 йилда ўзининг “Судхўрнинг ўлими” асарини яратди ва у 1946 йилда ўзбек тилида нашр этилди. Бу асарнинг дастлабки вариантини “Бир Эшоннинг оқибати” номи билан “Меҳнаткашлар товуши” газетасида нашр эттирган. Ёзувчи “Судхўрнинг ўлими” асарини 1953 йилда қайта ишлайди ва бир қанча янги образларни киритди. Адигба катта шуҳрат келтирган бу қиссанинг сўнгги

таржимасига катта сўзбоши ёзиб, уни янгидан нашр эттирган улкан француз адаби Луи Арагон қуидагиларни қайд этади: “Садриддин Айний ўзининг ўлмас асари “Судхўрнинг ўлими” билан ҳам жаҳон адабиётининг буюк намояндлари - Бальзак, Шекспир, Гёте қаторида туради”.

С.Айнийнинг илмий-ижодий меросида адабиётшунослик ва шарқшуносликка доир илмий тадқиқот ишлари муҳим ўринни эгаллайди. У асосий эътиборини адабиёт тарихида ҳали яхши ўрганилмаган, кам тадқиқ этилган муаммоларга қаратди. Олимнинг шарқшунослик ва адабиётшуносликдаги катта илмий ишлари сирасига “Фирдавсий ва унинг Шоҳномаси ҳақида”, “Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино”, “Шайх Муслихиддин Саъдий Шерозий”, “Камол Хўжандий”, “Устоб Рудакий”, “Алишер Навоий”, “Восифий ва унинг “Бадоеъ ул-вакоэ” асари ҳақида”, “Мирзо Абдулқодир Бедил” каби илмий - адабий мақолаларни киритиш мумкин.

Маълумки, ўзбек адабиётшунослигига XX асрнинг 20-30-йилларида Алишер Навоий (1441-1501 й) ижодига ва бошқа айрим классик шоирлар ижодига ҳам бир ёқлама ёндашувлар юзага келган эди. С.Айний 20-йиллардаёқ “Меҳнаткашлар товуши”, “Зарафшон” газетаси саҳифаларида Навоий ҳақидаги қатор мақолаларни эълон қилган. Бу билан у Навоийнинг буюк санъаткор, улуғ донишманд сиймо эканлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган. Айний “Намунаи адабиёти точик” антологиясида 220 га яқин ўрта осиёлик адаблар, шоирлар қатори Навоий ҳақида ҳам холисона, тўғри ва муҳим бўлган маълумот келтирган. Адабиётшунос олимнинг навоийшуносликка қўшган энг муҳим ҳиссаларидан бири, шубҳасиз, унинг “Алишер Навоий” номли ўн бобдан иборат йирик монографиясидир. Унда Навоийнинг тарихий воқеаларга бой ҳаёт йўли, кўп қиррали ва сермаҳсул ижоди, ижтимоий фаолияти атрофлича таҳлил этилган.

Тарихчи олимнинг “Муқанна исёни”, “Тожик халқ қаҳрамони Темур Малик” ҳақидаги тарихий китоблари иккинчи жаҳон урушининг сўнгги йилларида яратилган асарлардир. Олим бу асарларида Туркистон халқларининг араб ва мўгул босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашини тасвирлаш орқали Туркистон халқини муқаддас она-Ватан ҳимоясига дават этди ва фашист босқинчиларидан ўч олишга чақириди. С.Айнийнинг мемуар характердаги “Бухоро” номи билан хорижий мамлакатларда кенг тарқалган “Эсадаликлар” (1949-1954 й) асари адигб ижодида алоҳида ўрин тутади. Олимнинг “Эсадаликлар” асари бир неча маротаба мамлакатимизда ва хорижда турли тилларда таржима қилинган. Адабиётшунос олим, С.Айнийнинг ўғли Камолиддин Айний ташаббуси билан “Эсадаликлар” асарининг тўлдирилган янги варианти Тожикистонда нашр этилган. Унинг адабий фаолиятига тааллуқли бўлган, айрим шеърлари, ғазаллари, мухаммас, қасида, маснавий, қўшиқлар, қитъа, рубоийлари 1958 йилда алоҳида китоб шаклида чоп этилади.

Хуллас, С.Айний адабий ва илмий ижодининг асосий йўналишлари таҳлил қилинار экан, наср ва назмда самарали ижод қилган катта ёзувчи ва улкан шоир эканлиги ойдинлашади. У ўткир публицист ҳамдир. С.Айний тарихчи, шарқшунос, адабиётшунос ва тилшунос олим сифатида фаннинг кўплаб соҳаларида тинимсиз

изланишлар олиб борди. Олим тадқикотларида ўрта асрларда яшаган ўзбек ва форс алломалари, шоирлари ва олимларидан бошлаб, XX аср биринчи ярмидаги кичик замондошлар фаолияти ҳам ўзининг холис талқинини топди.

### **Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати:**

1. Амир Темур бинолариндан Бибихоним харобаси ила мусоҳаба // Болалар йўлдоши. 1919, № 2-3, 23 май. – Б. 3.
2. Айний С. Навоий болалари учун // Болалар дунёси. 1921, № 2.
3. Айний С. Севиш // Зарафшон. 1925, 27 марта; Унинг ўзи: Айрилиш // Зарафшон. 1925, 3 апрель.
4. Ҳасанов М. Айний Чамани. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 168.
5. Айний С. Заруриёти диния. Таълими имон. Табъи аввал. Ношир ва мураттиб: Ширкати Бухоройи шариф. 1332 / 1914. 108. Сах. Унинг ўзи: Taxsib us-sibён. Табби дуввум. Ношир: Ширкати Бухоройи шариф. – Самарқанд: 1917. 88. Сах.
6. Айний С. Самарқанд шаҳри // Маориф ва ўқитғучи. 1928, № 10. – Б. 48-50.
7. Айний С. Таърихи амирони манғития Бухоро. – Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1923. – Б. 146.
8. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари марказий нашриёти, 1926.
9. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигига Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари). 2 жилдлик. 1-ж. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 52.
10. Назир Тўрақул ўғли. Бош сўз / Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари Марказий нашриёти, 1926. – Б. 3
11. Айний С. Намунаи адабиёти тоҷик. – Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Жамоҳири шӯравии Сўсиёлистӣ, 1926.

### **МАНҒИТ ҲУКУМДОРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА ШАХСИЯТИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ДАВРИЙ МАТБУОТ ТАЛҚИНИДА**

**Ўтаева Феруза Холмаматовна,**

*Бухоро давлат университети*

*Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси (Ўзбекистон Республикаси)*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Бухорода манғит ҳукумдорларининг шахсияти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти мустақиллик даврий матбуотнинг манбавий аҳамияти ҳақидаги мақолалар илмий ўрганилиб, таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** Шарқ қўлларни, амирлик, характер, шахсий хислат, хазина, иқтисодий ҳаёт, масжид-мадраса, тарихшунослик, тадқиқот, ёзма ёдгорлик

### **THE INTERPRETATION OF THE REIGN OF MANGIT RULERS AND THEIR PERSONALITY IN PERIODICAL PRESS**

*The article presents scientific study and analysis of the articles published during the independence about Mangit rulers of Bukhara and their social and political activity.*

**Key words:** Eastern manuscripts, Emirate, character, personal trait, treasure, economical life, mosque and medrese, histiographe, research, written relics.